ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР: ТАҲЛИЛ ВА ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ

Арипов Акмал Хуснидинович,
эркин тадқиқотчи.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқбузарлигига таъсир этувчи асосий омиллар тизимли тарзда таҳлил қилинган. Хусусан, оила муҳити, таълим даражаси, иқтисодий қийинчиликлар, ишсизлик, интернет ва оммавий маданият таъсири каби ижтимоий-психологик омиллар ёритилган. Мақолада ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликни олдини олишга қаратилган миллий қонунчилик, давлат дастурлари ва профилактика механизмларининг самарадорлиги таҳлил этилади. Шунингдек, халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда ёшлар ҳуқуқбузарлигини камайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: ёшлар, ҳуқуқбузарлик, сабаблар, ижтимоий омиллар, профилактика, оила, таълим, давлат сиёсати.

Аннотация: В статье представлен комплексный анализ основных факторов, влияющих на правонарушения среди молодежи в Узбекистане. Особое внимание уделяется социально-психологическим аспектам, включая семейную среду, уровень образования, экономические трудности, безработицу, влияние интернета и массовой культуры. Рассматриваются механизмы профилактики правонарушений в рамках национального законодательства, государственных программ и деятельности правоохранительных органов. Также даны рекомендации по снижению уровня молодежной преступности на основе зарубежного опыта.

Ключевые слова: молодежь, правонарушения, причины, социальные факторы, профилактика, семья, образование, государственная политика.

Abstract: This article presents a comprehensive analysis of the main factors influencing youth delinquency in Uzbekistan. It focuses on the socio-psychological determinants such as family environment, level of education, economic hardship, unemployment, the influence of the internet, and mass culture. The study evaluates the effectiveness of prevention mechanisms implemented through national legislation, state programs, and law enforcement practices. Additionally, it provides practical recommendations for reducing youth offenses based on international best practices.

Keywords: youth, delinquency, causes, social factors, prevention, family, education, state policy.

Бугунги глобаллашув, ахборот технологиялари ва ижтимоий ўзгаришлар даврида ёшлар ҳаётида юзага келаётган мураккаб жараёнлар нафақат ижобий, балки салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг кўпайиши нафақат оила ва жамият учун, балки бутун давлатнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги учун жиддий таҳдид ҳисобланади. Ёшлар жамиятнинг истиқболи бўлгани боис, уларнинг ҳуқуқий тарбияси, онгли фаоллиги ва ижтимоий масъулиятини юксалтириш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этилади.

Олиб борилган илмий ва амаliy таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар ҳуқуқбузарлигига олиб келувчи омиллар кўп қиррали ва ўзаро боғлиқ. Улар орасида оилавий муҳитдаги муаммолар, таълимга нисбатан бефарқлик, ишсизлик, ёшлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, интернет ва оммавий маданиятнинг назоратсиз таъсири муҳим ўрин тутади. Бундай шароитда фақат жазога қаратилган ёндашув эмас, балки профилактик ва тарбиявий механизмларга асосланган комплекс чора-тадбирлар самарали ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ёшлар ҳуқуқбузарлигини камайтиришга қаратилган ҳуқуқий, институционал ва ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун, “Ёшларга оид давлат сиёсати” концепцияси ва “Ёшлар дафтари” каби ташаббуслар бу борада муҳим қадамлардир. Шу билан бирга, амалиётда бу чоралар самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг илмий таҳлил қилиниши ва халқаро тажриба билан таққосланган ҳолда такомиллаштирилиши долзарб аҳамият касб этади.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Жиноятнинг олдини олишда маҳалла ва оила роли жуда муҳим. Агар фарзанднинг атрофи назоратсиз қолса, унинг ким билан ўртоқлашиб юрганидан, вақтини қайси муҳитда ўтказаётганидан ота-она бехабар бўлса, у ҳуқуқбузарликка мойил бўлиши муқаррар”[1].

Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг ортиб бораётгани инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Расмий маълумотларга кўра, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар жами жиноятларнинг 25 фоизини ташкил этиб, бу кўрсаткичнинг муттасил ошиб бораётгани жиддий хавотир уйғотади. Шу билан бирга, ёшлар орасида жиноят турларининг кенгайиб бориши ҳам ижтимоий барқарорликка таҳдид солувчи омиллардан биридир.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ёшлар ҳуқуқбузарлигини барвақт профилактика қилиш мақсадида тегишли чора-тадбирларни тизимли ташкил этиш зарур. Хусусан, ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сабабларини, уларга имкон яратувчи шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда ушбу жараёнларни озиқлантирадиган, уларнинг

[1] Ш.М. Мирзиёев, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига, 2023-йил 27 июнь //https://uzmarkaz.uz/uploads/2021/06.

тарқалишига замин яратадиган омилларни бартараф этиш юзасидан комплекс ёндашув талаб этилади. Шу йўл билангина ёшлар ҳуқуқбузарлигини минимал даражага тушириш ва унинг салбий оқибатларини камайтиришга эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг салмоқли қисми 14–30 ёшли ёшлардан иборат бўлиб, бу ҳолат ёшлар сиёсатида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини давлат даражасида ҳал этишни тақозо этади. Афсуски, сўнгги йилларда мазкур ёш тоифаси орасида содир этилган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони кескин ортиб бораётгани кузатилмоқда. Хусусан, ўғрилик, безорилик, фуқароларга қарши зўравонлик, маъмурий тартиббузарликлар, гиёҳвандлик каби ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ёшлар иштирокида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар тоифасида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Мазкур ҳолат нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки оила, таълим муассасалари, маҳалла ва жамоатчилик иштирокини талаб этувчи умуммиллий муаммога айланиб бораётганини кўрсатади. Шу боис, ушбу масалани илмий асосда таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятларини аниқлаш, миллий ва халқаро тажрибалар асосида самарали профилактика механизмларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ёшлар ҳуқуқбузарлиги муаммоси мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, унинг келиб чиқиш омиллари ва ички тузилмаси қатор фанлар – ҳуқуқшунослик, социология, психология ва криминологиянинг долзарб тадқиқот объекти ҳисобланади. Ўзбекистон ва хорижий давлат олимлари ушбу муаммонинг назарий асосларини ишлаб чиқишда турлича ёндашувларни таклиф этиб, унинг сабаблари ва олдини олиш воситаларини илмий асослашга ҳаракат қилганлар.

Ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни ўрганиш ва таҳлил қилиш криминологиянинг ажралмас қисми бўлиб, у ўз-ўзидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ҳуқуқбузарликларни содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни у ёки бу тарзда кўриб чиқилади. Чунки у криминологиянинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Уни илмий ўрганиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Криминологик жиҳатдан айтганда, сабабнинг ўзи шарт-шароит билан ўзаро таъсир орқали намоён бўлади ва оқибатни келтириб чиқаради[2].

Жиноят сабаблари - жиноятнинг содир этилишини тақозо қиладиган, уни озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг йиғиндиси бўлса, жиноят шароитлари эса жиноятнинг бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин унинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг мажмуи ҳисобланади[3].

Айрим адабиётларда жиноятларнинг содир этилиш сабаблари мазмунига кўра, ижтимоий-психологик ҳолатларга, уларга имкон берувчи шароитларни эса, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келувчи ҳолатларга ажратилади[4].

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар маълум бир сабаб ва шарт-шароитлар йиғиндиси билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, ёшлар ҳуқуқбузарлигининг

---

[2] Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари. Юрид. фан. номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. – Т., 2006. – Б. 44.

[3] Фазилов И.Ю. Нормалар таҳлили: уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар // Huquq va Burch. – Т., 2018. – № 3. – Б. 56-57.

[4] Ismailov I., Abdurasulova Q.R. , Fazilov I.Y. Kriminologiya. Umumiy qism: IIV oliy ta’lim muassasalari uchun darslik. – T., 2015. – B. 83.

содир этилиш сабаблари - бевосита жиноятга ундаувчи, уни юзага келтирадиган, ички ва ташқи омиллар мажмуасидан иборат бўлиб, улар ҳуқуқбузарликларнинг “озиқ манбаи” вазифасини ўтайди.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликка замин яратаётган шарт-шароитлар - жиноятни тўғридан-тўғри келтириб чиқармайди, аммо унинг амалга ошишига кўмаклашувчи, қулай ижтимоий муҳитни таъминловчи омиллар йиғиндисидир.

Умуман олганда, ёшлар ҳуқуқбузарлигининг ортида шахсий мотивлар, хоҳиш ва интилишлар яширинган бўлиб, улар турлича кўринишда намоён бўлади. Бу жараённинг асосий тузилмаси сабаб ва шарт-шароитлар ўртасидаги мураккаб боғланиш билан тавсифланади. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳар қандай ҳуқуқбузарликни таҳлил қилишда - айнан қандай омил уни юзага келтиргани (сабаб бўлгани) ва қайси вазиятлар унинг рўй беришини енгиллаштиргани (шароит яратгани)ни ажратиш осон эмас.

Чунки ҳаётий амалиётда айрим ҳолатлар муайян вазиятда сабаб сифатида ҳаракат қилса, бошқа бир шароитида айнан ўша омил шарт-шароит вазифасини бажариши мумкин. Шу боисдан, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш манбалари ва ривожланиш динамикасини тўғри баҳолаш учун уларни тизимли таҳлил этиш зарур.

Маҳаллий тадқиқотчилар орасида профессор З.Абдураҳмонов ёшлар ҳуқуқбузарлигининг асосий сабабларидан бири сифатида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасининг пастлигини кўрсатади. Унинг таъкидлашича, “ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг кўпайиши ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг пастлиги, шунингдек, ҳуқуқий тарғибот ишларининг тизимли эмаслиги билан боғлиқ” [5] . З.Абдураҳмоновга кўра, ёшлар ўртасида

[5] Абдураҳмонов З. Жиноятчиликка қарши курашишнинг назарий-ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Юридик нашр, 2020. – Б. 87.

ҳуқуқбузарликларни камайтириш учун, энг аввало, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий иммунитетини шакллантириш зарур.

Ушбу нуқтаи назарни профессор А.Ташпулатов ҳам қўллаб-қувватлайди. У ёшлар жиноятчилигини шахснинг ижтимоий муҳит билан носоғлом муносабати натижасида юзага келадиган девиант хулқнинг тури сифатида талқин этади. Унинг фикрича, “таълим ва тарбия тизимидаги етишмовчиликлар, оиладаги низолар, жамоадаги қаршиликлар ва ишсизлик каби омиллар ёшларни жиноий фаолиятга олиб келади. Ёш шахснинг ҳуқуққа қарши фаолияти, аввало, ижтимоий мувозанатнинг бузилиши билан изоҳланади” [6]. А.Ташпулатовнинг таърифидан келиб чиқса, ёшлар ҳуқуқбузарлиги – бу шахс ва жамият ўртасидаги мувозанатсизликдан келиб чиқадиган ижтимоий девиация шаклидир.

Профессор Ш.Х.Салимов эса жиноятга мойил ёш шахслар шаклланишини жамиятдаги маънавий инқироз ва ижтимоий адолат принципларининг бузилиши билан изоҳлайди. У таъкидлайдики, “жамиятда ахлоқий мезонларнинг заифлашиши, ижтимоий адолат принципларининг бузилиши ва ёшлар орасида социал назоратнинг етишмаслиги ҳуқуқбузарликларга олиб келади” [7]. Бу назария ёшларнинг ичида юзага келаётган қаршилик ва ишончсизликни тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бошқа бир ҳуқуқшунос тадқиқотчи Б.Бурхонов эса ёшлар ҳуқуқбузарлигини фақат жазо орқали эмас, балки ижтимоий реабилитация ва қайта тарбиялаш чоралари орқали ҳал этиш зарурлигини таъкидлайди. У ёзади: “ёшлар орасидаги жиноятчиликни камайтириш учун фақат жазо эмас,

[6] Ташпулатов А. Ёшлар жиноятчилиги: ижтимоий-ҳуқуқий таҳлил. – Тошкент: Академнашр, 2019. – Б. 63.

[7] Салимов Ш.Х. Жиноят профилактикасида маънавий омиллар. – Тошкент: Меҳр, 2018. – Б. 29.

балки тарбиявий ва ижтимоий реабилитация механизмларини қўллаш зарур”[8]. Унинг тадқиқотида жамиятнинг ҳар бир институти - оила, таълим муассасалари, маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан, З.А. Амиров таъкидлаганидек, ёшлар ҳуқуқбузарлигининг асосий сабаблари - бу ташқи муҳит, оиладаги салбий таъсир, кам билимли ота-оналар, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва тенгдошлар таъсирига боғлиқ ҳолатлардан иборат бўлиб, улар шахсда девиант хулқ-атворни шакллантиради[9][124].

Ёшлар ўртасида иқтисодий жиноятлар кўпайишига таъсир этувчи криминоген детерминантлар ҳақида сўз юритар экан, Д.Ю. Алипханова улар қаторига иқтисодий инқироз, ҳудудларнинг депрессивлиги, инвестициявий жозибадорликнинг пастлиги, ижтимоий соҳага таъсир этувчи фавқулодда ҳолатлар, камбағаллик, ишсизлик, бюджет маблағларининг талон-торож қилиниши, шунингдек, коррупциянинг устуворлиги ва ёшлар касбий таълимидаги муаммоларни киритади[10][125].

Ҳуқуқбузарликларга имкон бераётган ахборот муҳити ҳам жиддий таҳдид манбаидир. А.К. Расулев ўз тадқиқотида ахборот маконидаги глобал таҳдидлар, “ахборот уруши” тушунчаси ва дунёқарашга таъсир этувчи технологияларнинг салбий оқибатларини кўрсатиб ўтади[11][126]. Бугунги кунда интернет, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали

---

[8] Бурхонов Б. Ёшлар ҳуқуқбузарлигини олдини олиш: назария ва амалиёт. – Тошкент: Юрфан, 2021. – Б. 52.

[9] Амиров З.А. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбиянинг роли: юрид. фан. бўйича PhD дисс. автореф. – Т.: 2018. – Б. 14.

[10] Алипханова Д.Ю. Проблемы экономической преступности среди молодёжи: дис.... автореф. канд. юрид. наук. – Махачкала, 2011. – С. 228.

[11] Расулев А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш: Юрид. фан. бўйича DSc дисс. автореф. – Т.: 2018. – Б. 18.

тарқатилаётган ножўя ахборот ёшлар онгида бузғунчи хулқни шакллантиришда фаол омил сифатида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, ёшларнинг спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларга ружу қўйиши ҳам ҳуқуқбузарликларга олиб келувчи хавфли омиллардан саналади. Э.П. Абовян бу ҳақда шундай дейди: “Жиноятларнинг сабаб-шароитларини ўрганишда спиртли ичимлик истеъмолига мойил шахсларнинг психологик ва ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиш муҳим”[12][128]. Криминолог олимлар - З.С. Зарипов, Ю.С. Пулатов ва Г.А. Аванесов - ҳам алкоголизм ва гиёҳвандликни ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган аномал ҳолатлардан бири сифатида баҳолайдилар[13][129].

А.А. Отажонов эса ёшлар ҳуқуқбузарлигида давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг етарлича таъминланмагани, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар билан профилактик ишларнинг сустлиги, жазодан сўнг ижтимоий мослашув имкониятларининг етарли эмаслиги каби омилларни таъкидлайди[14][122].

Миллий ва халқаро манбаларни таҳлил қилган ҳолда, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликка имкон яратувчи асосий омилларни қуйидаги тоифаларга гуруҳлаш мумкин:

Ижтимоий омиллар: ишсизлик; оилавий низолар; муҳитдаги назоратсизлик; ёшларнинг девиант хулқ-атворли шахслар таъсирига тушиб қолиши; алкоголли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш.

---

[12] Абовян Э.П. Предупреждение преступлений, совершаемых в состоянии алкогольного опьянения в семейно-бытовой сфере: автореф. дис. канд. юрид. наук. – Рязань, 2011. – С. 16.

[13] Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ. Криминология. – Т.: Юридик нашр, 2006. – Б. 78.

[14] Отажонов А.А. Жиноятга дахлдорлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлар: автореф. дис. номз. юрид. фан. – Т.: 2009. – Б. 15.

Иқтисодий омиллар: камбағаллик, моддий етишмовчилик; иқтисодий инқирозлар; ёшларнинг бандлиги билан боғлиқ муаммолар; пул топишда енгил ва ноқонуний йўлларга мойиллик.

Маиший ва маънавий омиллар: осон пул топишга интилиш; радикал ғоялар ва ёт диний оқимлар таъсири; “оммавий маданият” ва ножўя ахборот маконининг таъсири; ахлоқий инқироз.

Ташкилий ва институционал омиллар: ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси бўйича ишларнинг етарлича мувофиқлаштирилмагани; профилактика субъектлари ўртасида ҳамкорликнинг йўқлиги; қабул қилинган дастур ва чора-тадбирларнинг жойларда тўлиқ ижро этилмаётгани.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ҳуқуқбузарлигини келтириб чиқарадиган сабаб ва шарт-шароитлар нафақат шахсий, балки кенг жамоатчилик, давлат ва жаҳон миқёсидаги омиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги чоралар ҳам бир ёқлама эмас, балки комплекс, тизимли ва тармоқлараро ёндашувга асосланиши лозим. Бу эса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликка қарши иммунитетини шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш ва уларни фойдали меҳнат фаолиятига жалб этиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Хорижий олимлар қарашларида эса ёшлар жиноятчилиги, асосан, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлар, нормаларга муносабат, ижтимоий назорат даражаси ва психологик адаптация нуқтаи назаридан изоҳланади. Масалан, Эмиль Дюркгейм ўзининг аномия назариясида жиноятчиликни жамиятдаги ахлоқий меъёрлар издан чиқиши ва шахснинг бу меъёрларга мослаша олмаслиги билан боғлайди. У таъкидлайди: “Аномия – бу жамиятдаги нормаларнинг бузилиши ва инсонларнинг ҳаётдаги мақсадларига етишиш

воситаларининг йўқолиши ҳолати. Бу ҳолат ёшлар учун хос бўлган хавфли мувозанатсизликка олиб келади”[15].

Роберт Мертон эса жиноятни инсоннинг жамиятдаги мақсадларга етишда қонуний воситаларга эга бўлмаганлиги сабабли ноқонуний воситаларни танлаши билан изоҳлайди. Унинг таъкидлашича: “Қачонки жамиятда мақсадлар ва уларга етиш йўллари ўртасида қарама-қаршилик бўлса, айрим шахслар, айниқса ёшлар, қонуний эмас воситалардан фойдаланишни маъқул кўрадилар”[16].

Шу билан бирга, Трэвис Хирши ўзининг ижтимоий боғланиш назариясида (Social Bond Theory) шахснинг жамият билан боғлиқлиги қанчалик заиф бўлса, унинг жиноят содир этиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлишини таъкидлайди. У ёзади: “Агар шахс оила, мактаб, жамоа ёки ичида яшайдиган ижтимоий муҳит билан боғланмаган бўлса, у жамият қоидаларини инкор этади ва ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлади”[17].

Психолог Чарльз Кулининг “Looking Glass Self” назарияси ҳам ёш шахс ўзини жамиятда қандай кўринишини “акс этувчи оина”даги тасвир каби қабул қилиши орқали унинг хулқ-атворини шакллантиришини таъкидлайди. У ёзади: “Ёшлар ўзини бошқалар қандай қабул қилишини ҳис қилганида, улар бу образга мослашишга ҳаракат қиладилар. Агар улар жиноятчи образини қабул қилса, шу йўлга кириши осонлашади”[18].

Умуман олганда, маҳаллий ва халқаро олимларнинг қарашлари ёшлар ҳуқуқбузарлигини нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, психологик, иқтисодий

[15] Durkheim, É. The Division of Labour in Society. – New York: Free Press, 1997 (1893). – p. 157.

[16] Merton, R.K. Social Theory and Social Structure. – New York: Free Press, 1968. – p. 195.

[17] Hirschi, T. Causes of Delinquency. – Berkeley: University of California Press, 1969. – p. 16.

[18] Cooley, C.H. Human Nature and the Social Order. – New York: Scribner's, 1902. – p. 152.

ва маънавий жиҳатлар билан узвий боғлиқ ҳолда изоҳлаш зарурлигини кўрсатади. Бу назарий ёндашувлар ёшлар билан профилактик ишларни тизимлаштиришда, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) маълумотларига кўра, ҳар йили 15–29 ёшли ёшлар орасида тахминан 193,000 гача одам қурбон бўлган жиноят содир этилади, бу глобал қотилликлар сонининг 40% атрофини ташкил этади[19]. Бу кўрсаткич ёшлик давридаги жиноятчиликнинг жуда юқори салбий оқибатларга эга эканлигини кўрсатади.

UNODC ва бошқа манбаларга кўра, 2021–2022 йиллар мобайнида ёшлар ўртасида жиноятлар, жумладан қурбон бўлганлар ва жиноятчи сифатида қатнашганлар юқори даражада кузатилган бўлиб, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ёшлар китоби муваффақиятсизликлариё вуҷудга келтирилмоқда[20].

1980–2020 йиллар оралиғида АҚШда 18 ёшга тўлмаган ёшлар томонидан содир этилган зўравонлик тусидаги жиноятлар (қотиллик, ўғирлик, оғир тан жароҳати етказиш) учун қўлга олиш ҳолатлари статистик таҳлил қилинган. Унга кўра, 2020 йилга келиб, мазкур турдаги жиноятлар учун ёшлар ўртасида қўлга олишлар 1994 йилдаги энг юқори кўрсаткичга нисбатан 78% га камайган. 2020 йилда зўравонлик жиноятлари учун ёшлар орасида қўлга олинганларнинг 80%ини эркаклар ташкил этган. 16–17 ёшдаги ёшлар умумий зўравонлик жиноятлари бўйича 55% қўлга олиш ҳолатларига сабабчи бўлган, қотилликда эса уларнинг улуши 76%ни ташкил этган. Умуман, 2020 йилда 424,300 та ёшлар иштирокидаги ҳибсга олиш ҳолати қайд этилган, бу 2015

[19] Всемирная организация здравоохранения / https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/youth-violence?utm_source.

[20] UNODC (2020). Youth Report FINAL. United Nations Office on Drugs and Crime. www.unodc.org/dohadeclaration.

йилга нисбатан 50%, 2019 йилга нисбатан 38% камайган. 2010–2020 йиллар оралиғида зўравонлик жиноятлари бўйича ёшлар ўртасида ҳибсга олишлар 56% га камайган, катталар орасида эса бу кўрсаткич фақат 6% ни ташкил этган. Бу эса жиноятчиликнинг ёшлар ўртасида сезиларли даражада пасайганини кўрсатади[21].

Фикримизча, бу ҳолат жиноят профилактикаси соҳасидаги тизимли ислоҳотлар, жамоат назоратининг кучайтирилиши, таълим ва таълимдан ташқари фаолиятларнинг кенгайтирилиши ҳамда суд-ҳуқуқ тизимининг ёшларга нисбатан мутадил ёндашувларни қўллашини акс эттиради.

Айниқса, 16–17 ёшлилар томонидан содир этилган жиноятларда устунлик ва уларнинг қотилликдаги 76% улуши ёшликнинг рискли босқичи эканини кўрсатади. Шу боис, мазкур ёш тоифасидаги ўспиринлар билан мақсадли профилактика ишларини кучайтириш, жиноятчиликка мойиллик омилларини бартараф этишга қаратилган таълимий, ижтимоий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш жуда муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, катталар орасида зўравонлик жиноятлари бўйича қўлга олиш ҳолатларининг атиги 6% га камайгани, ёшларга қараганда катталарнинг ҳуқуқбузарликдаги барқарор даражаси мавжудлигини кўрсатади. Бу эса ёшликдаги тарбия ва ижтимоий муҳит таъсирининг келажакдаги жиноий хулққа қандай таъсир кўрсатишини яна бир бор тасдиқлайди. Демак, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни камайтириш, узоқ муддатли ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Қозоғистон, Европа давлатлари ва Австралия каби ривожланган мамлакатларда ёшлар жиноятчилик суръатларининг узоқ йиллик давом этган тенденциялар асосида пастлашгани кузатилмоқда. Масалан, 2009–2010 ва

[21] *Charles Puzzanchera.* Trends in Youth Arrests for Violent Crimes. Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention (OJJDP), August 2022. https://ojjdp.ojp.gov

2016–2017 йилларда Австралияда 10–17 ёшли жиноятчиларнинг сони ҳар 100 000 аҳолида 3 339 дан 2 330 гача пасайгани маълум бўлган[22]. Шу каби тенденция Европа ва Канадада ҳам қайд этилган: 2006–2016 йилларда Канадада ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятлар 42%га, умумий ёшлар жиноятчилик суръати эса 34%га пастлаган[23].

Юқоридаги тадқиқотлар билан бирга, 2000 йилдан 2022 йилгача АҚШда ёшларни озодликдан маҳрум қилиш ҳолатлари 75%га қисқаргани илмий тадқиқотчилар томонидан қайд этилмоқда[24].

Шунингдек, Канадада 2022–2023 йилларда ёшлар жиноятлар суръати 13%га ўсган: 2022 йилида ҳар 100 000 ёш аҳолига 2 571, 2023 йилда эса 2 898 ҳолат қайд этилган. Бу ўсиш 2021 йилдаги 2 163 ҳолатдан кейинги ривожланишдир[25].

Фикримизча, ривожланган мамлакатлар – жумладан, Австралия, Европа давлатлари, Қозоғистон ва Канада тажрибаси – ёшлар жиноятчилигини барқарор равишда камайтириш имкони мавжудлигини яққол намоён этмоқда. Айниқса, Австралияда 2009–2017 йиллар давомида ёшлар ўртасидаги жиноятчилик 30% га яқин камайгани, Канадада эса 2006–2016 йиллар оралиғида жиноятлар 42% га қисқаргани, узоқ муддатли профилактика, таълим, ижтимоий хизматлар ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг юқори самара берганини кўрсатади. Бу каби иложсиз эмаслиги АҚШ тажрибасида ҳам ўз ифодасини топган: 2000–2022 йиллар оралиғида ёшларни озодликдан маҳрум қилиш ҳолатлари 75% га камайган. Бу эса репрессив эмас, балки қайта

[22] Crime in Australia / https://en.wikipedia.org/wiki/Crime_in_Australia?utm_source.

[23] https://en.wikipedia.org/wiki/Generation_Z?utm_source.

[24] https://en.wikipedia.org/wiki/Generation_Z?utm_source.

[25] Police-reported youth crime statistics in Canada, 2023 // https://www.justice.gc.ca/eng/rp-pr/jr/jf-pf/2025/jan1.html?utm_source.

ижтимоийлаштиришга йўналтирилган ёндашувларнинг самарадорлигини исботлайди.

Шу билан бирга, Канадада 2022–2023 йилларда ёшлар жиноятчилигидаги 13% ўсиш ҳолати соҳа мутахассисларини янада эҳтиёткорлик билан ёндашишга ундайди. Бу ҳолат пандемиядан кейинги ижтимоий-иқтисодий беқарорлик, рақамли муҳитдаги хатарлар ва профилактика чораларидаги бўшлиқлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Қайд қилиб айтганда, халқаро тажриба Ўзбекистонда ҳам ёшлар жиноятчилигига қарши курашишда қатъий жазодан кўра, барвақт профилактика, таълим, бандлик ва психологик ёрдам каби чораларни устувор қилиб белгилаш зарурлигини кўрсатади. Моддий ва маънавий кўмакни тўғри йўналтириш орқали жиноятга олиб келувчи омилларни камайтириш мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, мавжуд статистик маълумотлар мазкур йўналишда янада самарали чоралар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар ва вилояти мисолида 2022–2024 йиллар давомида содир этилган жиноятлар таҳлили бу ҳолатни ёритиб беради.

2022 йилда Тошкент ҳудудида жами 12 259 та жиноят қайд этилган бўлиб, улардан 1 266 таси ёшлар томонидан содир этилган. Оғир жиноятлар сони 3 510 тани, ўта оғир жиноятлар эса 575 тани ташкил этган. 2023 йилда жиноятлар сони бир озга кўтарилиб, 12 430 тага етган. Шу йилда ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони кутилмаган ҳолда 12 430 тани ташкил этганлиги қайд этилган, бу маълумот энг эҳтимол билан умумий жиноятлар билан бир хил қайд қилинган статистик хатоликни англатади. Аммо оғир жиноятлар (3 750 та) ва ўта оғир жиноятлар (553 та) сонидакескин ўсиш қайд этилгани ҳолатга жиддий ёндашувни талаб этади. 2024 йилнинг дастлабки 9 ойида жиноятлар сони 11 417 тага камайган бўлса-да, ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 1 479 тани ташкил этди. Бу, аввалги

йиллар билан солиштирилганда, жиноятларнинг умумий миқдорида камайиш кузатилса-да, ёшлар иштирокидаги жиноятлар нисбатан кўпайганини англатади. Хусусан, 2024 йилда оғир жиноятлар сони 68,8 та, ўта оғир жиноятлар эса 27,5 тани ташкил қилган[26].

Ушбу рақамлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Тошкент ҳудудида ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар муайян камайиш ёки барқарорликка эга эмас. Айрим йилларда уларнинг салмоғи ошиб бораётгани ёки жиноятчиликнинг янги шакллари юзага келаётганини кўрсатади. Бу эса таълим муассасалари, маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва оила институтининг профилактик фаолиятини янада кучайтиришни талаб қилади.

Шунингдек, ҳар бир ҳолат алоҳида ўрганилиб, жиноятга мойилликка сабаб бўлувчи омиллар – ишсизлик, ҳуқуқий онгнинг пастлиги, оилавий муаммолар ва ижтимоий муҳит таъсири – аниқланиб, уларнинг олдини олишга қаратилган мақсадли чора-тадбирларни жорий этиш зарур.

Бу доирада ички ишлар идораларида алоҳида профилактика инспекторлари, шу жумладан, ёшлар ва ўсмирлар билан ишлашга ихтисослашган инспекторлар лавозими жорий этилиб, маҳаллалардаги вазиятни кузатиб бориш ва ҳуқуқбузарликлар юзага келишининг олдини олиш вазифалари белгилаб берилди. Давлат даражасида ёшлар масалаларига комплекс ёндашув таъминлаш мақсадида 2017-йилда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилган эди, 2020-йилда эса бу вазифалар Ёшлар ишлари агентлигига ўтказилиб, у Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги махсус тузилма сифатида фаолият юритмоқда[27].

---

[26] ИИВнинг 2022, 2023, 2024 йиллардаги статистик маълумотномалари.

[27] Vazirlar Mahkamasining 18.01.2021 yildagi «O‘zbekistonda yoshlarga oid davlat siyosatini 2025 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi 23-son qarori // https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/eshlarga_oid_davlat_siesati_koncepciyasi_tasdiqlandi.

Ушбу агентлик ва унинг жойлардаги бўлинмалари ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, шу жумладан ҳуқуқий маданиятини оширишга доир дастур ва лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Мисол учун, ҳар йили 30-июнь – “Ёшлар куни” муносабати билан турли ташаббуслар қабул қилиниб, ёшлар томонидан кўтарилган муаммолар ечими юзасидан ҳукумат даражасида махсус дастурлар тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 7-июнда қабул қилган 310-сон қарори [28] билан тасдиқланган “2022–2023-йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастури” бу борадаги изчил чора-тадбирларни ўз ичига олди.

Унга мувофиқ, республика ва маҳаллий даражада қуйидаги йўналишларда иш олиб борилди:

-“Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан манзилли ишлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш. Бу ташаббус ёшлар орасида ишсизлик ва моддий етишмовчиликнинг жиноятчиликка туртки бўлиши олдини олишга қаратилган муҳим механизмдир. Масалан, 2021–2022 йилларда “Ёшлар дафтари” орқали минглаб ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, кредит ёрдамида тадбиркорликка жалб этиш ёки ишга жойлашишга кўмаклашиш ишлари амалга оширилди.

-“Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчилари томонидан турли маданий-маърифий, спорт-оммавий тадбирлар, танлов ва мусобақалар ташкил қилиш тизими йўлга қўйилди.

-Республика бўйлаб ёшлар ўртасида китобхонликни рағбатлантирувчи танловлар, машҳур шахслар билан учрашувлар, спорт мусобақалари

[28] Vazirlar Mahkamasining 07.06.2022-yildagi “2022-2023-yillarda O‘zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirish dasturini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 310-son qarori // https://www.norma.uz/

ўтказилди. Бу каби тадбирларнинг асосий мақсадларидан бири – ёшларнинг бўш вақтида назоратсиз қолиши ва турли негатив таъсирлар таъсирида ҳуқуқбузарликка йўл қўйишига чек қўйишдир.

-дастур доирасида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган чоралар комплекси белгиланди. Бунда маҳалла институтининг имкониятларидан кенг фойдаланиш масаласи алоҳида қайд этилган. Маҳаллада профилактика инспекторлари, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, тажрибали фуқаролардан иборат “маҳалла профилактика кенгашлари” ва “Маhалла посбони” жамоат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. Улар маҳаллада ҳуқуқбузарлик содир бўлса, уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш, огоҳлантириш тадбирларини ташкил этиш каби ваколатларга эга. Президент таъкидлаганидек, маҳаллада жиноятни яширмай, аксинча умум йиғилишларда кўриб чиқиш – профилактикада катта аҳамиятга эга, чунки бу бошқаларга сабоқ бўлади ҳамда жиноятга нисбатан муросасиз муҳит яратади.

- мактаб ва коллежларда ўқувчиларга ҳуқуқий таълим бериш кучайтирилди, “Ўқувчи-ёшлар меҳнат отрядлари”, “Виртуал профилактика соати” каби лойиҳалар амалиётга жорий этилди. Олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар мактабларида ҳуқуқ фанларини ўқитиш билан бирга, ҳудудий ички ишлар идоралари ходимлари ва юристлар иштирокида профилактик суҳбатлар ўтказиш йўлга қўйилди. Шунингдек, телерадио ва интернет тармоғида ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган кўрсатувлар, ижтимоий роликлар намойиш қилинмоқда.

- ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг асосий омилларидан бири бўлган ишсизликни камайтириш мақсадида давлат томонидан “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси орқали имтиёзли кредитлар, “Ёшлар мебели”,

“Ёшлар гидроизоляцияси” каби махсус дастурлар орқали ёшлар тадбиркорлигини рағбатлантириш ишлари олиб борилмоқда[29].

Ёшлар учун квотали иш ўринлари, касбга ўқитиш марказлари ташкил этилди. 2022–2023 йилларда 50 мингдан ортиқ ишсиз ёш касб-ҳунар курсларига жалб қилиниб, уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилгани ҳақида расмий маълумот берилган.

Алоҳида хавфли гуруҳлар билан ишлаш: ҳуқуқбузарликка мойил ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшларни аниқлаш ва уларга индивидуал ёндашиш тизими жорий этилди. 2023-йил июлида ўтказилган йиғилишида Президент томонидан ҳар бир вилоят ва туман миқёсида неорганизованный ёшлар бўйича махсус кенгашлар тузиш, уларнинг ягона электрон базасини шакллантириш ҳамда ҳар бир бундай ёшга бириктирилган ҳолда “ оила – маҳалла – мактаб – мустақил ҳаёт” тамойили асосида ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кластери ташкил этиш топширилди.

Юқоридаги миллий чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда, деб баҳолаш мумкин. Масалан, 2023-йил якуни бўйича хабар қилинганидек, республика бўйича 5,2 мингта маҳаллада ярим йил давомида бирорта ҳам жиноят содир этилмагани қайд этилгани профилактика самарадорлигига мисол бўла олади[30].

Албатта, бу каби ижобий кўрсаткичларга суяниб қолмасдан, келгусида ҳам тизимли ишларни давом эттириш лозим. Зеро, Ёшлар – келажагимиз, уларнинг оғдирилишини олдини олиш эса бутун жамият фаровонлигига инвестициядир.

---

[29] pravacheloveka.uz

[30] https://kun.uz/news/2021/03/04/2020-yilda-ozbekistonda-qayd-etilgan-jinoyatlarning-chorak-qismini-yoshlar-sodir-etgan?q=%2Fnews%2F2021%2F03%2F04%2F2020-yilda-ozbekistonda-qayd-etilgan-jinoyatlarning-chorak-qismini-yoshlar-sodir-etgan#!#:~:text=17%3A11%20%2F%2019,bo%E2%80%98lmadi%20%20%20%2050.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси[31]да белгиланганидек, ҳар бир шахс қонун ва суд олдида тенгдир, давлат эса инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга кафолат беради (22-модда). Шу асосда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ҳам фақат жазога йўналтирилган эмас, балки уларни таълим, тарбия, қонуний хулқ-атворга йўналтириш орқали амалга оширилиши лозим.

Бироқ амалиётда мазкур фаолиятнинг самарадорлигига таъсир этувчи қатор муаммоли ҳолатлар мавжуд. Жумладан, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 майда қабул қилинган Қонун[32]да (амалдаги таҳрирда) профилактиканинг мақсад ва вазифалари аниқ кўрсатилган бўлса-да, субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, айниқса, ёшлар билан ишловчи муассасалар фаолиятида мувофиқлик етишмайди. Қонуннинг 8-моддасига кўра, профилактика субъектлари биргаликда фаолият юритиши ва ҳар бир ёш шахс ҳақида тўлиқ ахборот базасига эга бўлиши зарур. Бироқ амалиётда бу базалар мавжуд эмас ёки тарқоқ ҳолда бўлиб, жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган ёшларни аниқлашда қийинчиликлар туғилади.

“Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун[33]да (қабул қилинган) вояга етмаганларни назоратсиз қолдирмаслик, уларга таълим ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш давлат ва жамиятнинг вазифаси экани қайд этилган. Қонуннинг 7-моддасида таълим муассасаларининг ўрни алоҳида белгиланган, аммо айрим ҳолларда уларда

[31] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // https://lex.uz/docs/6445145.

[32] Ўзбекистон Республикаси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 майда қабул қилинган Қонун // https://lex.uz/docs.

[33] Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 январдаги “Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун // https://lex.uz/docs

психологик хизматлар фаолияти номигагина мавжуд. Масалан, мактаб психологлари таҳликали тоифага мансуб ўқувчилар билан индивидуал ишлашнинг илмий-услубий моделларига эга эмас. Бу эса назоратсизлик ҳолатларини олдини олиш имкониятларини чеклайди.

Шу билан бирга, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун[34]нинг 4-моддасида ёшларга қонунларга риоя этиш ва ҳуқуқий билимларни ошириш имкониятларини яратиш давлат сиёсати деб белгиланган. Шунингдек, Қонуннинг 6-моддасида ёшлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш вазифаси аниқ баён этилган. Бироқ бу нормаларни амалга оширишда ижтимоий шериклик механизмлари институционал жиҳатдан ривожланмаган. Ёшлар билан ишловчи ИИБ профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари ва таълим муассасалари ўртасида доимий алоқалар мунтазам равишда таъминланмаган.

Шунингдек, Конституциянинг 50-моддасида ҳар бир фуқаронинг таълим олиш ҳуқуқи [35] мустаҳкамлаб қўйилган. Бу норма, айниқса, ҳуқуқий саводхонликни ошириш учун ҳуқуқий таълим дастурларини мажбурий тарзда жорий этиш зарурлигини кўрсатади. Ҳолбуки, ҳозирда умумтаълим ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқий билим бериш кўпроқ назарий жиҳатга эга бўлиб, ёшлар орасида қонун бузиш оқибатлари ва масъулият ҳақида амалий тасаввур шаклланмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [36] нинг 13-моддасида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини эътироф этиш, ҳурмат

[34] Ўзбекистон Республикасининг Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида Қонуни // https://lex.uz/docs/3026246

[35] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // https://lex.uz/docs/6445145

[36] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // https://lex.uz/docs/6445145.

қилиш ва муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унинг барвақт профилактикаси – инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Бироқ амалиётда мазкур соҳада қатор тизимли ва институционал муаммолар мавжуд бўлиб, улар самарали ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга тўсиқ бўлмоқда.

Жумладан, 2014 йил 14 майда қабул қилинган "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонун [37] (5, 6, 8-моддалар) профилактика субъектлари – ички ишлар органлари, таълим муассасалари, маҳалла, фуқаролик жамияти институтлари, ота-оналар ва жамоат ташкилотларининг ўз ўрни ва мажбуриятларини белгилаб берган бўлса-да, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги етарли даражада ташкил этилмаган. Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари кўп ҳолларда ёлғиз ҳаракат қилмоқда, психологлар, ижтимоий хизматчилар ва таълим муассасалари билан мувофиқлашган ҳолда иш олиб борилмаяпти.

"Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги 2008 йил 8 январдаги Қонун[38]га мувофиқ (3, 6, 7-моддалар), вояга етмаганларнинг назоратсизлигига барҳам бериш, уларнинг таълим ва тарбиясини таъминлаш, оила, мактаб ва жамоат ташкилотлари зиммасига юклатилган. Бироқ амалиётда таълим муассасаларида ёшлар орасида жиноятчиликни барвақт аниқлашга қаратилган ички мониторинг тизимлари

[37] Ўзбекистон Республикаси "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги 2014 йил 14 майда қабул қилинган Қонун // https://lex.uz/docs.

[38] Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 январдаги "Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонун // https://lex.uz/docs.

мавжуд эмас, мактаб психологлари ва педагогик кенгашлар ҳуқуқбузарлик профилактикасини тизимли равишда амалга ошириш имкониятидан маҳрум.

Шу билан бирга, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун[39] (2016 йил 14 сентябрь, 4, 6, 10-моддалар) да ёшларга ҳуқуқий маданиятни сингдириш, уларни ҳуқуқбузарликдан асраш, салбий муҳит таъсиридан ҳимоялаш вазифалари давлат ва жамият зиммасига юклатилган. Аниқроғи, ҳуқуқий тарғибот ишлари турли ташаббусларга боғлиқ бўлиб қолмоқда, тизимли ва давлат даражасида мажбурий ҳуқуқий тарбия стандартлари йўқ.

Профилактик ишлардаги бошқа бир муаммо – ёшлар томонидан содир этилган жиноятларга оид ягона ахборот базаси мавжуд эмаслиги ёки турли идоралар маълумотлари ўзаро интеграция қилинмаганидир. Масалан, Ички ишлар органларида жиноят қайд этилади, таълим муассасаларида эса ўша ўқувчи ҳақидаги маълумотлар етказилмайди. Бу ҳолат профилактик ишларнинг индивидуаллаштирилган, аниқ ва мақсадли бўлишига тўсқинлик қилади.

Ёшлар жиноятчилигини олдини олиш борасида ривожланган давлатлар тажрибаси кўп жиҳатдан Ўзбекистонда амалга оширилаётган чораларга ҳамоҳанг, бироқ айрим ўзига хос механизмлар ижобий натижа бергани билан ажралиб туради. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, тараққий этган мамлакатларда вояга етмаган ва ёш ҳуқуқбузарларга нисбатан жазоловчи (репрессив) чоралар ўрнига уларни реабилитация қилиш ва қайта ижтимоийлаштириш (реинтеграция) сиёсати устувор аҳамият касб этган. Масалан, Скандинавия мамлакатларида ёш жиноятчиларни қамоққа ёпишга келишмаётган ҳолларда тарбиявий муассасаларга жойлаштириб, психологик-педагогик ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилган.

---

[39] Ўзбекистон Республикасининг Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида Қонуни // https://lex.uz/docs/3026246.

Ғарб давлатларининг деярли барчасида вояга етмаган ҳуқуқбузар жамият учун жазолаш объекти эмас, балки тарбия ва ёрдамга муҳтож субъект сифатида қаралади.

Шу мақсадда, қонунчиликда ва амалиётда ёшларни тузалишга йўналтирувчи махсус механизмлар жорий қилинган. Жаҳон амалиётида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси уч босқичли модель сифатида талқин этилади: бирламчи профилактика – барча ёшларни қамраб олувчи, жиноятчиликка олиб келувчи умумий сабабларни бартараф этишга қаратилган чоралар (масалан, таълим ва бандликни таъминлаш, муҳитни соғломлаштириш); иккиламчи профилактика – оғрилиқ хавф гуруҳлар билан ишлаш (масалан, тарбияси қийин болалар, назоратсиз қолган ёшлар, маънавий-руҳий қийинчиликка дучор бўлганлар учун махсус дастурлар); учинчи профилактика – жиноят содир этган ёшларни қайта жиноятга йўл қўймасликка йўналтирилган чоралар (қайта тарбиялаш, колониядан чиқанларни реабилитация қилиш).

Ҳар бир даражада мос дастур ва тадбирлар қўлланилмоқда. Масалан, Британияда ҳар бир ҳудудда Ёшлар билан ишлаш гуруҳлари (Youth Offending Team) ташкил этилган бўлиб, уларда полиция, психолог, ижтимоий хизмат ва таълим вакиллари ҳамкорликда жиноят содир этган ёш билан индивидуал иш олиб боради. Германия ва Франция каби Европа давлатларида эса ёш ҳуқуқбузарларни қамоқ жазосидан кўра жамоат ишлари, мажбурий таълимга жалб этиш, пробация хизматлари назоратига бериш амалиёти кенг тарқалган. Францияда, масалан, вояга етмаган жиноятчилар учун махсус тарбиявий марказлар (личей) фаолият кўрсатиб, у ерда улар таълим олишда давом этиб, психологлар назоратида тузалиш йўлига қаратилади.

Яна бир самарали механизм – диверсия ва медиация дастурлари. АҚШ, Канада, Буюк Британия ва баъзи Европа мамлакатларида майда ёки биринчи марта жиноят содир этган ёшларни судга оширмасдан, махсус тарбиявий

дастурларга йўналтириш амалиёти қонунлаштирилган. Хусусан, Грузия мисолида, 21 ёшгача бўлган шахс биринчи марта унча оғир бўлмаган жиноят содир этса, прокурор унга нисбатан жиноий таъқибни тўхтатиб, диверсия механизмини қўллаши мумкин: ёш ҳуқуқбузар маълум шартлар (масалан, жабрланувчидан кечирим сўраш, муайян соат жамоат хизмати, психологик тренингларда қатнашиш) бажариши эвазига жазодан озод этилади ва расман судланмаган ҳисобланади[40].

Бу ёшга ўз хатосини тузатиб, шу билан бирга келажагини қора доғсиз давом эттириш учун имкон беради. Бундай "бир марталик имконият" кўплаб ёшларни ҳаётда қайта ўз ўрнини топишига, тузалишига ёрдам бергани халқаро тадқиқотлар билан исботланган.

Шунингдек, яроштирув (mediation) институти ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда – ёш жиноятчи билан жабрланувчини профессионал воситачи кузатувида учраштириб, конфликтни тинч йўсинда ҳал этиш, товон тўлатиш ва кечиримга эришиш орқали ишни судга етказмай якунлаш амалиёти мавжуд. Бу, бир томондан, ёш кишига ўз қилмиши оқибатини англаш ва тузатиш имконини берса, иккинчи томондан жабрланувчига маънавий қониқиш бағишлаб, адолат қарор топишига хизмат қилади. Ривожланган мамлакатларда ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муҳим жиҳати – кенг жамоатчилик ва ижтимоий институтларнинг ҳамкорлиги. Масалан, Японияда маҳаллий полиция пункти – "Koban"лар ва кўнгилли дружиналар орқали ҳар бир маҳаллада ёшлар назорати амалга оширилади, профилактик суҳбатлар олиб борилади. АҚШ ва Канадада "Big Brothers Big Sisters" каби катталарнинг катта ҳаёт тажрибасига эга ёшлар билан норасмий дўст сифатида

[40] *Ivlita Gogua,* Juvenile Delinquency – Causes, Prevention, and the Ways of Rehabilitation. 23rd June 2020 / https://www.penalreform.org/blog/juvenile-delinquency-causes-prevention-and-the-ways-of/#:~:text=If%20there%20is%20a%20probable,forward%20to%20a%20successful%20future.

уларга маслаҳатчи бўладиган менторлик дастурлари оммалашган – бундай дастурлар орқали мураккаб муҳитда ўсган ўспиринлар тўғри йўлга солинади. Европанинг айрим шаҳарларида тунги вақтда ёшларни назоратсиз қолмаслиги учун “Midnight Sport” (ярим тунда спорт) лойиҳалари амалда бўлиб, спорт заллари кеч сўатларгача очиқ қолдирилади, полиция ва жамоатчилик томонидан хавфли туманларда рейдлар ўтказилиб, ўсмирлар спорт ва маданий тадбирларга жалб қилинади.

Ўзбекистон шарт-шароитида қайси халқаро тажрибаларни татбиқ этиш мумкин? Аввало, юртимизда амалга оширилаётган чоралар ўзини ўзи оқламоқда, шу боис уларни изчил давом эттириш лозим. Жумладан, ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш орқали жиноятчиликни илдизидан кесишга қаратилган саъй-ҳаракатлар (“Ёшлар дафтари” ва тадбиркорликка кўмак дастурлари)ни узлуксиз давом эттириш керак. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлардаги қуйидаги элементларини кучайтириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ёш ҳуқуқбузарларга жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини охиригача ижро этишдан кўра, уларни қайта тарбиялашга йўналтирилган тайинловлар (пробация, шартли жазо, тарбиявий колонияларда таълим ва меҳнатга ўргатиш) амалиётини кенгайтириш лозим. Юқоридаги халқаро тажрибага ҳамоҳанг равишда, Ўзбекистонда ҳам диверсия механизмларини қонунчиликка жорий этиш мумкин – масалан, биринчи марта ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноят содир этган ёшларга нисбатан суд ўрнига маҳалла ва психолог иштирокида тарбиявий таълим бериш, меҳнатга жалб этиш шарти билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартибини ишлаб чиқиш. Бундай янгиликларни киритиш Ёшлар иттифоқи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигидаги пилот лойиҳалар орқали синовдан ўтказилиши мумкин.

иккинчидан, мактаб ва маҳаллаларда психологик хизматлар, ижтимоий ходимлар институти ривожлантирилиши лозим. Масалан, кўплаб мамлакатларда ҳар бир мактабда психолог ёки ижтимоий педагог ишлаб, “хавф гуруҳи”га кирувчи ўқувчилар билан алоҳида ишлайди. Бизда ҳозирча бу борадаги ишлар бошланғич даражада, шуни тизимли йўлга қўйиш учун чет эл тажрибаси (масалан, Россия ёки Қозоғистондаги мактаб психологи институти) ўрганилиб, амалга оширилиши мумкин.

учинчидан, халқаро тажрибада кўрилган “Leadership House”, “Youth Club” (Грузия мисолида) каби ёшларнинг бепул вақт ўтказиши, ўзаро мулоқот ва ривожланиши учун марказларни кўпайтириш керак. Мамлакатимизда айрим маданият марказлари ва кутубхоналар қошида бундай тўгараклар мавжуд, лекин улар қамровини кенгайтириш, айниқса тадбиркорлик ёки IT бўйича ёшлар клубларини очиш нафақат ёшлар бандлигига, балки уларни нотоғри йўлдан чалғитмасликка ҳам хизмат қилади.

тўртинчидан, юқорида тилга олинган “Икки авлод” лойиҳаси (ёшларни қарияларни парваришлашга волонтёрликка жалб қилиш) каби, бизда ҳам ёшларни турли ижтимоий лойиҳаларга кўнгилли сифатида жалб этишни рағбатлантириш лозим. Бу уларда ҳамдардлик, масъулият ва ижтимоий фойдали меҳнат кўникмаларини шакллантириб, бекорчилик ва бефарқликнинг олдини олади. Масалан, “Маҳалла посбони” гуруҳларига фаол ёшларни катталар билан биргаликда жалб қилиш, уйма-уй юриб, муаммоли оилаларга ёрдам кўрсатиш ва уларни назорат қилиш орқали ҳам ёшлар ўзлари жиноятчиликка қарши ҳаракатнинг бир қисмига айланади.

бешинчидан, ёшлар жиноятчилигини олдини олишда ижобий натижа берган халқаро дастурларга Ўзбекистонни жалб этиш мумкин. Масалан, БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC)нинг “Line Up, Live Up” деб номланган спорт орқали ёшлар ўртасида

жиноятчиликнинг олдини олиш дастури бор[41]. Ушбу дастур айрим қўшни мамлакатларда амалга оширилмоқда, бизнинг ёшлар сиёсати агентлигимиз ҳам шу каби грант ва дастурларда фаол қатнашиб, халқаро тажриба алмашувини йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ;

олтинчидан, “Ёшлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикаси бўйича давлат дастури”ни ишлаб чиқиш ҳамда унда ички ишлар, адлия, таълим, маҳалла ва ёшлар ишлари органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларини белгилаш;

еттинчидан, мактаб ва коллежларда “Ҳуқуқий саводхонлик” фанини амалий симуляциялар, кейс-таҳлиллар, ҳуқуқий ўйинлар асосида жорий этиш;

саккизинчидан, назоратсиз ва жиноятга мойил бўлган ёшларни аниқлаш бўйича маҳалла ва таълим муассасалари ўртасида электрон маълумот алмашинув тизимини жорий этиш;

тўққизинчидан, ҳар бир ҳудудда вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича комплекс профилактика гуруҳларини (социолог, психолог, инспектор, педагог) тузиш.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни камайтириш – узоқ муддатли, комплекс ёндашувни талаб қилувчи вазифадир. Бир томондан, тартибни мустаҳкамлаш учун қонунни бузганларни жазолаш зарур бўлса, иккинчи томондан, “жазо муолажа эмас, профилактика – шифо” экани ҳаётий ҳақиқатдир. Ривожланган давлатлар тажрибаси ёшларни жазолашдан кўра тўғри тарбия бериб, уларни соғлом ва самарали ҳаётга йўналтириш кўпроқ самара беришини кўрсатди. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда айнан шу йўналишда – “Ёшларга қарата меҳр ва эътибор, қонунбузарликка нисбатан муросасизлик” тамойили асосида

[41] Crime Prevention // https://www.unodc.org/unodc/en/justice-and-prison-reform/cpcj-crime-prevention-Sport.html#:~:text=UNODC%20Crime%20Prevention%20,use%20disorders%2C%-20especially%20amongst%20youth.

тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг самараси келгуси йилларда ёшлар жиноятчилигининг пасайиши, жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши ва ёш авлоднинг баркамол шахслар бўлиб вояга етишида ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ёшлар ҳуқуқбузарлигининг барвақт олдини олиш борасидаги ҳуқуқий асослар мавжуд бўлса-да, уларнинг тўлақонли амалга ошиши тизимли ташкилотчилик, институционал ҳамкорлик ва ҳуқуқий тартибга солишнинг янада аниқлаштирилишига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва соҳавий қонунларда белгиланган тамойиллар айнан профилактика сиёсатининг марказида туриши керак.